

Хўжакулова Мунира  
ЧОТҚМБЮ ГИИФ ва ШТБИТ  
кафедрасининг катта ўқитувчиси

### **ИНСОНИЙЛИК ДАРАХТИ - МУКАММАЛ АХЛОҚ БИЛАН МЕВА БЕРАДИ**

*Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади [1;182].*

Мавжудотлар орасида, фақат инсонга одоб, хулқ, ахлоқ тушунчалари хос. Ахлоқ ҳамиша ҳам Шарқда ҳам Ғарбда ҳамма даврларда долзарб мавзу бўлиб келган. Аммо Шарқ ва Ғарбнинг ахлоқий меъёрлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ғарбда демократия деб аталадиган ҳуқуқий нормалар, қонун ва қоидалар биринчи ўринда турса, Шарқда ахлоқ ҳамиша биринчи ўринда бўлиб келган. Ота-боболаримиз инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалиши хусусида кўплаб асарлар ёзганлар. Афсуски, уларнинг барчаси ҳам бугунги кунгача етиб келмаган. Биргина Абу Наср Форобийнинг ўзи 160 дан зиёд асар [Қаранг: 2;102] муаллифи ҳисобланади. Мутафаккирларимизнинг ахлоқий қарашлари ҳар бир давр ва замон учун бебаҳо маёқ вазифасини ўтайди, чунки инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Агарда, жамият ахлоқсиз бўлса бундай жамият инқирозга юз тутиб, йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли бўлади. Тартибсиз жамиятда хаос бўлади ва бу жамиятда тараққиёт бўлмайди. Албатта, эътиқодсиз жамиятни тасаввур қилиш қийин, чунки дин инсонларни бошқариш учун етакчи восита ҳисобланади, шунингдек дин инсонларни ахлоқли бўлишлари учун энг катта заминни хозирлайди. Динни "ниқоб" қилиш ёки нотўғри талқин қилиш ҳам салбий ва хатто фожиали ҳолатларга олиб келади. Маълумки, Абу Наср Форобий жамиятни 2 қисмга бўлади: бу фозил ва жоҳил жамиятларга.

Форобий "Фозил одамлар шаҳри" асарида оддий инсонлардан то Раис даражасигача бўлганларнинг барчасини таърифлаш жараёнида ахлоққа, тартибга катта урғу берганлигини кўраимиз. У "фозил жамиятидаги инсонлар ўз касб-корлари билан машғул бўлишлари керак"- дейди.

Форобий "Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида" номли рисоласида фозил шаҳар табақаларининг ихтисослари хусусида куйидагиларни келтиради:

Фозил шаҳарнинг олимлари, санъаткорлари ва хунармандлари беш катта гуруҳга бўлинадилар:

1. Олимлар, уларга таалукли бўлганлар ва муҳим ишларда ўз фикрига эга бўлганлар;

2. Дин аҳллари: тафсирчилар, хитоб килувчи нотиклар, шоирлар, муסיқачилар ва котиблар;

3. Турли касб эгалари: ҳисобчилар, муҳандислар, табиблар, мунажжимлар;

4. Ҳарбийлар: жангчилар, посбонлар, ҳарбий хизматчилар;

5. Молиётчилар: тижоратчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, ким бўлишларидан қатъий назар, шаҳардаги моллар олди-сотдиси билан муомалада бўлиб, ўз тирикчиликларини улар орқали юргизадиган ва молиявий ишлар билан шуғулланадиган ҳар бир киши [3;33].

Бу ерда Форобий ҳарбийларга урғу бериб, у Афлотун ва Арасту асарларида келтирилган юнонлардаги ҳарбийлардан фарқли равишда, яъни у ҳарбийларни шаҳарнинг тўлақонли аҳолиси сифатида кўрган. Юнонларда ва Рим империясида эса, ёлланган жанговар гуруҳлар ва ҳарбий аскарлар мавжуд бўлган эди [Қаранг: 3;63]. Демак, мутафаккирнинг фикрига кўра ҳарбийлар давлат таркибида доимо мавжуд бўлиш керак ва барча каби унинг ажралмас қисми бўлиши зарурлигини таъкидлайди. У инсонларни таълим олишларини, касб-хунар эгаллашларини, жамиятга нафлари тегишини, меҳнат қилиш зарур эканлиги, жамиятда интизом бўлиши кераклиги хусусида фикр билдиради. "Ҳар бир киши касб-корини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ,-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари сабабли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим" - дейди Абу Наср Форобий.

Инсонни меҳнат билан банд бўлиши ҳам жамиятнинг ривожланиши учун асосдир. Шунингдек, олим "Илм ва олимларга ҳар доим эҳтиромда бўлиш керак" - деган фикрда бўлган. "Чунки, илм тараққиёт манбаидир. Олимлар эса, халққа тўғри йўл кўрсатувчилардир". Форобийнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики: "Илмнинг натижаси ва бахту саодатнинг ибтидоси - ахлоқ ҳисобланади.

Олам ниҳоятда гўзал ва сирли қилиб яратилган. Барча нарса бир-бири билан боғланган, инсон учун яратилган. Бу дунёда бир-бирига ёмонлик қилиш учун сабаб йўқ. Кимнидур алдаш, тухмат қилиш, ўғрилиқ, қотиллик, фоҳишалиқ, порахўрлик, ўз ўзини ўлдириш ёки портлатиб юбориш, уруш қилиш, зуғум ўтказиш, низоларни келтириб чиқаришга, яъни шарр (ёмон) ишларни амалга ошириш учун зарурат йўқ, аммо одам шу нарсаларнинг барчасини ўз хошиш ва иродаси билан амалга оширади. Инсон руҳан ва табиатан ўз иродасини ҳайрли ишларга йўналтириши шарт. Ҳар кимнинг эрки ўзининг қўлидадир. Маърифатли инсон жамиятни юксалтира олади. Руҳни тарбиялаш ва поклаш муттасил давом этсагина, яхши амалларга эришиш мумкин.

Шунинг учун ҳам Форобий инсонни касб-ҳунарли бўлиб ўз сохалари бўйича фаолият юритишлари билан бирга инсонларни маърифатли бўлишларини қуйидагича ифодалайди: "Ҳар ким илмини ахлоқи билан зийнатламаса, бахтиёр бўлолмайди [4;902]" - дейди.

#### **Адабиётлар:**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010.
3. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т.: Ёзувчи, 2002.
4. Дехудо. Луғатнома. Техрон.: Донешгоҳ, 1325 х.